

ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЙ КОНЦЕПТИНИНГ ЛИНГВОКУЛТУРОЛОГИК ВА ЛИНГВОПОЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ҚарДУ филология факультети 3-босқич талабаси

Жуманиёзова Феруза Жалил қизи

Аннотация: Ушбу мақолада лингвокултурологиянинг марказий мавзуларидан бири-концепт тадқиқ этилади. Ой концептининг лингвокултурологик хусусиятлари, лингвопоетик таҳлили очиб берилади.

Калит сўзлар: лингвокултурология, Аскальдов, концепт, "ой" концепти.

XX асрнинг 90 йилларида тилшуносликда янги соҳа лингвокултурология вужудга келади ва бу соҳа XXI асрнинг бошларига келиб жаҳон тилшунослигидаги етакчи йўналишлардан бирига айланди. Лингвокултурология тилда ва дискурда ўз аксини топган ва мустаҳкамланган халқ маданиятини ўрганади. У биринчи навбатда, муайян маданиятнинг миф, афсона, урф-одат, анъана, удум, таомил, рамзларини ва ҳ.к.ни тадқиқ этади.

Лингвокултурологиянинг марказий тушунчаларидан бири бу концептдир. "Рус тилшунослигида концепт тушунчаси XX асрнинг I чорагида файласуф С.Аскальдов томонидан илмий муомалага киритилган. С.Аскальдовнинг қарашича, концептлар воситасида турли миллат вакиллари мулоқотга киришади, шунга кўра, концептларни яратиш ва идрок қилиш икки томонлама коммуникатив жараён ҳисобланади"¹.

Концепт тушунчадан фарқли ўлароқ, ўзида миллий маданиятни акс эттиради. Концепт лингвомаданий ҳодиса, халқ маданиятининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш хусусиятига эга. Концептуал таҳлилни "Ой" бирлиги мисолида кўриб чиқамиз. Аввал, унинг "Ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги" изоҳларига эътибор қаратсак.

Ой нинг биринчи изоҳи-Қуёшдан нур олиб, ёғду сочувчи самовий жисм, Ернинг табиий йўлдоши. Ойнинг ер атрофида айланиши. -----Кечки гуллар очилиб турибди. Кўкда танҳо ой кезмоқда. (И.Раҳим. "Чин муҳаббат")

Иккинчи изоҳи-Уч-тўрт кунлик ой шаклидаги безак ёки белги. Мезана устидаги ой.

Учинчи изоҳи-Аёллар исми таркибига киради ёки аёллар номига қўшилиб эркалаш, ҳурматни билдиради. Масалан: Ойпошша, Ойқиз, Турсуной, Ширмоной.

Кўрдикки, асосий маъноси Қуёшдан нур олиб ёғду сочувчи жисм. Лекин "ой" мавжуд семантикасида фарқланган ҳолда, кишилар нутқида турли хил ўхшатиш, қиёслашларни кашф этишга асос бўлади. Яъни халқ тафаккури Ойнинг тунни ёритувчи осмон жисми маъносини қўллаш билан чекланиб қолмайди. У ўзбек лингвомаданиятида фаол қўлланишга эга. Хусусан, мақолларда. Мақоллар халқ

¹. Усманова. Ш. Лингвокултурология. ----Т.: 2019. ---Б. 44.

миллий-маданий мероси ҳисобланган фольклор намуналари бўлиб, улар тегишли халқнинг ҳаётий тарзи, менталитети, урф-одатларини акс эттирувчи кўзгудир. Ўзбек халқи тилида "Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу" мақоли мавжуд. Бу мақол киши омади келмаган, бахтсиз ёки дардли бўлган ҳолатда унга ҳамдардлик билдириш, бахтсиз кунлар абадий эмаслигига ишониш туйғусини шакллантириш мақсадида ишлатилади. Бу мақол инглиз халқида "Every cloud has a silver lining", русларда "Не все еще потеряно, не следует падать духом", немисларда "Es ist nicht aller Tage Abend" шаклида қўлланади². Ўзбек шоири Эркин Воҳидов мисраларида ошиқ руҳияти билан боғланиб, у бошидан кечирадиган кунларни ифода этади:

"Умрини ошиқ ҳамиша
Ўтказур орзу билан".

Ойнинг ўн беши қоронғу,
Ўн беши ёғду билан³.

Ёки "Ойни этак билан ёпиб бўлмайдим" мақоли, унинг қўчма маъноси илдизида "киши томонидан яшириб қилинган иш, барибир, кун келиб фож бўлади" деган маъно этади. Ўз маъноси билан "Касальни яширсанг иситмаси ошкор қилади", "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади" мақолларига синонимдир. Шунингдек, кишилар нутқида сафарга кетаётган кишига яхшилик тилаш мақсадида, "Ой бориб, омон қайт" ибораси ишлатилади. Бунда йўлга отланган кишининг соғ-омон бориб қайтиши ният қилинади. "Ойнинг ҳам доғи бор" мақолининг замирида эса, "ҳеч ким ҳам мукамал, бекам-у кўст эмас" маъноси этади. Яъни биз камчиликсиз деган нарсани ҳам нуқсон бўлиши мумкин деган маъно англашилади. Ойнинг юзи нега доғлигини Эркин Воҳидов шеърида қуйидагича ифодаланганини кўриш мумкин:

Ёруғ дунё бор зиёсин тенг
Таксим этган кеча-кундузга.
Нур қадрига етмай кун, уни----
Сочди ойга, минглаб юлдузга.
Шундан ойнинг юзи доғ экан...
Юлдузлар ҳам худди мунчоқ ёш...
Кундуз эса барча нуридан
Яратибди биргина қуёш⁴.

Ойнинг астрономик хусусиятларини англаган ҳолда яратилган мақоллардан халқнинг теран тафаккурли бўлганлигини ҳам англаш мумкин. Ой акс этган "Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига" мақолидан шу мазмун англашиладики, ҳар кимга ўзида бор нарсаси чиройли, қадрли бўлиб туюлади. Бунга мисол қилиб олишимиз мумкин: она боласини бошқа барча оналарнинг фарзандларидан зиёда суяди. Ҳайвонларда ҳам шундай меҳр туйғуси борлигини ушбу жумлалар орқали

² .Умархўжаев.М.Л,Назаров.К.Ҳ.Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат.----Тошкент:Ўқитувчи,1994.---Б.6.

³ .Э.Воҳидов.Дилда ишқ дарёчадур.----Тошкент:Зиё нашр,2019.---Б.29.

⁴ .Э.Воҳидов.Дилда ишқ дарёчадур.----Тошкент:Зиё нашр,2019.---Б.12.

билишимиз мумкин: "Қўнғиз боласини оппоғим дер экан, Типратикан боласини юмшоғим дер экан".

"Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати" да ой эталонининг тўрт хил маънода қўлланиши қайд этилган.

Унинг биринчи маъноси---чиройли, гўзал. Ой десам ойдаин қизлар йўқ эмас, Сўзлари мойдаин қизлар йўқ эмас (С.Ҳаким.Қўшиқ).

Иккинчи маъноси---порламоқ, балқмоқ. Олтмиш ёшни қутлаб деймиз: Соғ бўлсин Ойбек, Шеърятнинг осмонида порласин ойдек (Х.Салоҳ, Устоз Ойбекка). Гоҳ хотир гоҳида ҳаёлни ёллаб, Гоҳ юлдуз гоҳида ой каби порлаб, Ширин жилмайиш-ла ёнида орлаб, Олисдан ғамзалар қилганинг алам (М.Юсуф.Муҳаббат).

Учинчи маъноси---тўлмоқ, янада гўзаллашмоқ. Фараҳли бир ойдин кеча, Ё фараҳли субҳидам, Ойдек тўлиб тушларингга кирар зебо бир санам (Ж.Камол.Тилак). Тўлган ойдек тўлибсан, омон-ёр, Тумор олгин мулладан, омон-ёр (Оқ олма, қизил олма).

Тўртинчи сўнгги маъноси---равшань, аён, маълум, шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ билинган. Зеби суд раисининг бола эмаслигини қайдан билсин?⁵

Шунингдек жуда ҳам чиройли, беҳад гўзал маъноларини берувчи "Ўн тўрт кунлик ойдаи" ибораси мавжуд. Бу асосан аёл кишининг юзини таърифлашда қўлланилади. Масалан, Балоғат даврида Мехринисо балоғат ёшига етган, сарвқомат, ўн тўрт кунлик ойдек қиз эди (Т.Файзиев.Темурий маликалар). "Ўн беш кунлик ойдек" ибораси ҳам шу маънода ишлатилади. Аммо Эркин Воҳидов ундан янги тасвир яратиб, Ватанни, ўз диёрини ушбу ибора билан мадҳ этади:

Сен бахтлар водийси атаган диёр,
Икки дарё ювган икки кокилин----
Бу кун етти иқлим махзанича бор,
Бу кун ўн беш кунлик ой каби тўлин⁶.

Бундан ташқари, ўзбек маданиятида гўзал, чиройли қизларга "ойдек юзли", "ойдек гўзал юзли" каби таърифлар беришади. Бундай таъриф рус маданиятида ҳам мавжуд. Масалан, "луноликая девушка", "лицо как луна" каби. Адабиётимизда юзни ойга қиёслаш орқали ташбеҳлар яратилган. Буни қуйида мумтоз адабиётимиз намуналарида кўриб чиқамиз:

Қаро эди кўзум ҳажрингдин, ей моҳ,
Яна кўрдум юзингни шукруллоҳ⁷.

Бу ерда "моҳ"-ойнинг синоним варианты. Байт мазмунидан англашилиб турибдики, лирик қаҳрамон ёрига "моҳ" деб мурожаат қилган.

Ул ой васфини вирд этсам забонда,
Неча йиллар адо бўлмас баёнда⁸.

⁵ .Маҳмудов.Н , Худойберганова.Д.Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати.----Тошкент:Маънавият,2013.---Б.151-152.

⁶ . Э.Воҳидов.Дилда ишқ дарёчадур.----Тошкент:Зиё нашр,2019.---Б.99-100.

⁷ .А.Навоий.Тўла асарлар тўплами.5-жилд.----Т.:2013.---Б.701.

⁸ .Феруз.Девон.----www.ziyouz.com.кутубхонаси.---Б.3.

Ошиқ ой юзли нигорини таърифламоқчи бўлса, таърифнинг баёни учун йиллар камлик қилади дейилмоқда байтда. Бу ерда гўзал юзли ёр ойга ташбеҳ берилган.

Муҳаммаднийез Нишотийнинг куйидаги байтида ўзгача маъно қиррасини кўрамиз:

Ой, кун шому саҳар ер ёрилиб ерга кирар,
Уялур баски рухи ойина пардозингдин⁹.

Ой-гўзал. Гўзаллиги сабабли чиройли қизлар юзи ойга қиёсланади. Лекин бу ерда ой қизнинг гўзаллигидан ерга кириб кетгудек бўлса, ойина эса ундан уялади. Ёр юзи ойга қиёсланмайди, қиз ойдан гўзал. Чўлпон таърифи билан айтганда:

Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!¹⁰.

Эркин Воҳидов эса бу тасвири куёш орқали ифодалайди:

Дилбарим ҳуснига кўкда
Маҳлиё бўлсин куёш,
Маҳлиё эрмас, кўйида
Бир гадо бўлсин куёш¹¹.

Кўриниб турибдики, гўзалликни тасвирлаш учун фақат ой эмас куёш метафорасидан ҳам фойдаланилган. Ойнинг ғазалларда ёр юзига ташбеҳ берилган ўринларни кузатдик. Хусусан, Навоий асарларида "ой" ташбеҳи фақат ёр юзи тасвири учун ишлатилмайди. Бунда ой орқали ошиқ кўнглининг руҳий аҳволи ҳам очиқ берилади:

Чу ул ойга қул ўлди бу ғамкаш,
Қулидин юз яширди ул маҳваш¹².

Айтганимиздек, ой метафораси орқали фақат ёр тасвириланмаган. Навоийнинг ота-онани бамисоли ой ва куёшга ташбеҳ бериб яратган мисралари:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқо ано бошиға.
Тун-кунингга айлагали нурафшон,
Бирисин ой англа, бирисин куёш¹³.

Бобур эса ёрни тасвирлаш учун ой ташбеҳига кўп бора мурожаат қилган:

Барча парилар, ей жон, гирдингда зор-у хайрон,
Гўё эрур намоён ой теграсида ҳола.

Бобур тасвираётган ёр атрофидаги барча парилардан гўзал. Бу ҳолат ойнинг атрофга нур сочишига ўхшайди. Ой гардиши қадимда "ҳола" деб юритилган. Бу ерда ёр ва унинг атрофидаги парилар, ой ва унинг ҳоласига ташбеҳ қилинган¹⁴.

⁹ .Жумахўжа.Н , Адизова.И.Ўзбек адабиёти тарихи.----Тошкент:Инновация-Зиё,2020.---Б.399.

¹⁰ .7-синф Адабиёти(дарслик).----Тошкент:Шарқ,2017.---Б.302.

¹¹ .Э.Воҳидов.Дилда ишқ дарёчадур.----Тошкент:Зиё нашр,2019.---Б.122.

¹² .Қаршиева Шохсанам Абдурашидовна.Алишер Навоий муаммоларида шакл ва мазмун муносабати.мақола.

¹³ .kh-davron.uz

¹⁴ .11-синф Адабиёти I қисм(дарслик).----Тошкент:Ўзбекистон миллий энциклопедияси,2018.---Б.169.

Адабиётда ой орқали қиз юзи, унинг чиройи тасвирланган ўринларни кўплаб учратиш мумкин. Шоир ёр юзини тасвирлашни мақсад қилдимиз, аниқки, ой ташбеҳига мурожаат қилмасдан қолмайди. Ой----адабиётда энг кўп қўлланувчи ўхшатилимиз. Хусусан, еркак образи ҳам ойга қиёсланган ўринлар мавжуд. Юсуф Ҳос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида Ойтўлди тилидан шундай фикрлар баён этилади:

Ой туғилганда дастлаб у жуда кичик туғилади.

Сўнг кундан кунга юқори кўтарилади

Ой тўлин бўлса, тўлишса оламни ёритади

Жаҳон халқи ундан рўшнолик кўради

Ой тўлишиб энг баландга кўтарилгач кўргин

Яна емирила, камая боради, юз чиройи кетади¹⁵.

Ойнинг ёруғлиги камая боради ва охири кўринмай қолади. Яна янги ой туғилса, яна тўлиша бошлайди. Ойтўлди ўзини ойга қиёслади ва шундай сифатлиман, гоҳо пайдо бўламан гоҳо маҳв(йўқ) бўламан дейди.

Ой концептининг диний дискурсларда ҳам намоён бўлишини кузатиш мумкин. Ўз эътиқоди бўйича ойга сиғинган халқлар мавжуд. "Араблар эътиқодида Ой худоси-Син бўлган"¹⁶.

Қадимда ойнинг астраномик хусусиятларига таянган ҳолда йил, ой, кун тақвимлари ҳам ишлаб чиқилган, календарлар яратилган. "Дастлаб грузинлар Ой календаридан фойдаланганлар. Ерамизнинг биринчи асрида улар Қуёш календарини тузганлар.

Қадимда Олимпия ўйинларининг ўтказилиш вақти ҳам Ойнинг ҳаракатига боғлиқ бўлган. Олимпия ўйинлари 4 йилда бир маротаба, янги ой чиққанидан 11 кун кейин бошланган ва янги ой чиққанидан 16 кун кейин якунланган.

Ой концептининг ислом динидаги талқинига эътибор қаратадиган бўлсак, ислом динида бошқа дискурслардаги талқинидан муҳимроқдир. Қуръонга биноан, Аллоҳ оламни 6 кун давомида, биринчи кун самони, иккинчи кун Қуёш, ойни яратди. Аллоҳ етти оламни яратиб, уларни устма-уст жойлаштирган. Енг қуйи оламда Қуёш ва ойни мустаҳкамлаган¹⁷. Ислом динининг рамзи этиб ҳам ярим ой яъни ҳилол танланган. Ҳозирги пайтда жаҳондаги 13 та мамлакат--Жазоир, Комор ороллари, Мавритания, Малайзия, Малдив, Озарбайжон, Покистон, Цингапур, Тунис, Туркия, Туркманистон, Ўзбекистон, Ғарбий Саҳара байроқларига ой(ҳилол) тасвири туширилган. Масжидларнинг минора ва гумбазлари устига ҳам ой тасвири ўрнатиш урфга кирган..

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, концептнинг маъно-моҳияти бошқа тил бирликларига қараганда анчайин кенг. Концепт диний, маданий, ижтимоий-тарихий, адабий хусусиятларга эга. Бунга Ой сўзини концептуал таҳлил қилганимизда

¹⁵ .11-синф Адабиёти I қисм(дарслик).----Тошкент:Ўзбекистон миллий энциклопедияси,2018.---Б.79.

¹⁶ .7-синф Жаҳон тарихи(дарслик).----Тошкент:Шарқ,2017.---Б.47-48.

¹⁷ .Зарипов.О.Диншунослик(қўлланма).----Бухоро.:2016.

амин бўлди. Илмий изланиш Ойнинг фақат фазовий жисм маъноси билан чекланмаган лингвомаданий ҳодиса эканлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Усманова. Ш. Лингвокультурология. --- Т.: 2019
2. Маҳмудов. Н., Худойберганова. Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. --- Тошкент: Маънавият, 2013.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. --- Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
4. Абдуллаев. Ш., Валиева. Н. Маданият ва дин (қўлланма). --- Наманган.: 2016.
5. Зарипов. О. Диншунослик (қўлланма). --- Бухоро.: 2016.
6. Раҳмонкулова. З. Хронология. --- Тошкент: Ворис-Нашриёт, 2013
7. Э. Воҳидов. Дилда ишқ дарёчадур. --- Тошкент: Зиё нашр, 2019.
8. www.ziyouz.com. кутубхонаси.
9. kh-davron.uz (Хуршид Даврон кутубхонаси).